

ТАРЖИМА ВА МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ

ЎзМУ Хорижий филология факультети
Ф.ф.д., доцент Г.С.Курбонова

Аннотация

Мазкур мақолада маданиятнинг дифференциал таснифлари ўз маданият ва бегона маданият тушунчалари асосида ўрганилади. Унда умумийлик ва хусусийлик ҳақидаги диалектик қонуният тилшунос олимларнинг маданият терминида берган таърифларига кўра очиқ берилган. Шунингдек, мақолада маданий маркернинг таржима муаммолари хусусида фикр юритилади. Мазкур муаммолар лингвомаданий бирлашмага хос турли ҳодиса ёки воқеаларни ифодаловчи экстралингвистик тушунчаларни ўз ичига олади. Ушбу ҳодисалар француз ёзувчилари Шарл Луи Монтескьенинг “Форс номалари” ва Амин Маалуфнинг “Самарқанд ёхуд зулматда йўқолган зиёни излаб...” асарлари мисолида таҳлил этилган.

Калит сўзлар: ўз маданияти ва бегона маданият, маданиятнинг умумий ва хусусий муносабатлари, миллий менталитет, ғарб ва шарқ цивилизацияси, маданий маркерлар, “дунё ва инсон” фалсафаси.

Аннотация

В этой статье рассматривается дифференциальной классификации культуры на основе понятие “своего-чужого”. В ней выявляется диалектический закон общности и специфичности в соответствии с определениями, которые ученые-лингвисты дают термину культура. В статье также рассматриваются проблемы перевода культурного маркера. К этим проблемам относятся экстралингвистические концепты, которые представляют различные явления или события, присущие языковой ассоциации. Эти явление анализируются на примере произведений французскими писателями Шарлем Луи Монтескье в его “Персидских письмах” и Амином Маалуфом в его “Поисках утраченного Самарканда или тьмы...”

Ключевые слова: своя культура и чужая культура, общие и частные отношения культуры, национальный менталитет, западная и восточная цивилизации, культурные маркеры, философия “мира и человека”.

Abstract

This article examines the differential classification of culture based on the concept of “friend-foe”. It reveals the dialectical law of generality and specificity in accordance with the definitions that linguists give to the term culture. The article also discusses the problems of translating a cultural marker. These problems include extralinguistic concepts that represent various phenomena or events inherent in a language

association. These phenomena are analyzed by the example of works by French writers Charles Louis Montesquieu in his “Persian Letters” and Amin Maalouf in his “In search of lost Samarkand or darkness...”

Key words: one's own culture and another's culture, general and private cultural relations, national mentality, Western and eastern civilizations, cultural markers, philosophy of “peace and man”.

Маданият лексемаси комплекс ва кўпаспектли тушунча сифатида замонавий гуманитар фанлар, хусусан, таржимашунослик ва лингвистиканинг баҳсталаб мавзуларидан бири ҳисобланади. У ўзининг мураккаб ва кўпаспектлилиги билан бирга дифференциал ҳамда ўзига хос тавсифлари сабабли турли терминлар орқали изоҳланади, турлича таснифланади ва турлитуман типологияларни намоён этади. Мазкур тасниф ва типологиялар қанчалик кўп бўлмасин, уларнинг ҳеч бири *маданият* тушунчаси моҳиятини тўлиқ очиб бера олмаса-да, бир-бирини тўлдиради. Ёзма манбаларда *маданият* сўзи биринчи марта Эдвард Тайлор томонидан қўлланилган. Унинг фикрича, маданият – жамиятнинг турли аъзолари томонидан қабул қилинган яшаш тарзи, анъана, урф-одатлардан иборат¹.

Бундан ярим аср муқаддам А.Крёбер ва К.Клакхоннинг “Культура, критический обзор определений”² номли китобида маданият тушунчасига берилган 400дан ортиқ таърифни жамлаган ва улар ўхшаш/фарқли белгиларига кўра 10 гуруҳга ажратилган. Биринчи гуруҳда маданиятнинг тасвирий тавсифи келтирилган бўлса, иккинчи гуруҳда унинг анъаналар, жамиятнинг ижтимоий меросига алоқадор жиҳатлари, учинчи гуруҳда миллат, элат ҳаёт тарзини ташкил этувчи маданий қоидалар шарҳланган. Деярли барча гуруҳларда маданият инсон фаолиятининг маҳсули сифатида таърифланади.

Маданият тушунчасига ижтимоий (жамият ҳаётида аниқ функцияни бажариши), антропологик (инсоният фаолиятини ифодалаш), фалсафий (жамият ва шахс манфаатлари кесишуви сифатида объектив борлиққа маданият муносабатларини намоён этиши) нуқтаи назардан ёндашиш муҳим аҳамиятга эга³.

Маданият тушунчаси таржимашуносликда кенг қўлланилишига қарамадан унинг мазмун-моҳиятига аниқлик киритиш зарурати мавжуд, чунки таржимашуносликда ва, умуман, лингвистикада *маданият*, одатда, интуитив термин сифатида изоҳсиз тушунилади.

Табиийки, маданий стереотиплар инсониятнинг ҳаётий тажрибаси бўлиб, у

¹ Тайлор Э.Б. Первобытная культура - Москва: Издательства политической культуры, 1989. – С.50.

² Kroeber A.L., Cluckhohn C. Culture, a critical review of concepts and definition // Papers of the Peabody Museum of American Archaeology and Ethnology. – Harvard University, 1952. – Vol. 47 (I). P.15.

³ Хайруллин В.И. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты перевода: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 1998. – С.12 – 13.

моддий кўринишга эмас, балки маънавий қиёфада, ўзаро мулоқотда мазкур маданий жамиятда намоён бўлади⁴. “Мавжуд бўлмоқ” тушунчасининг ўзини маданиятга нисбатан қўллаганда фақат моддий борликни идрок этмаймиз, балки унинг сўзлар, ҳикоятлар, ёзма шаклдаги эпос ёки бадий асар шаклида идеал, образли функцияга эга эканлигини англаймиз.

Классик фалсафада идеал тушунчаси инсоннинг онгига қуйилиб, қайта шаклланган моддий предметларнинг инъикоси натижасида идеал образлар тушунчасини ҳосил қилади. Унинг акси ойнада эмас, балки субъектнинг нуқтаи назарида макон ва замонда (тарихий), баҳоловчи (эмоционал-психологик) ва ижтимоий шарт-шароитларда кўринади⁵. Инсон маданият субъекти сифатида яратиш, сақлаш ва маданий кадриятларни авлоддан-авлодга етказиш вазифасини бажаради, шунинг учун ҳам маданият категорияси яратиш категорияси билан чамбарчас боғлиқ.

Л.И.Гришаева, Л.В.Цуриковалар “Введение в теорию межкультурной коммуникации” китобида маданиятга қўйидагича изоҳ беришади: “Маданият–инсон фаолиятининг турли хил шароитларда одамларнинг аниқ вазиятлардаги ўзаро ҳаракати натижасидир”⁶.

Маданиятшуносликка оид энциклопедик луғатда: “Маданият –инсонлар ўз ҳаёт фаолиятларида қўллайдиган мазмунли рамзлар, ғоялар, кадриятлар, урф-одатлар, эътиқодлар, анъаналар, одоб-ахлоқ нормаларини авлоддан авлодга ўтказиб келган тушунчалар мажмуи” сифатида таърифланади⁷. Маданиятни бу тарзда талқин этиш инсониятнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш учун жисмоний ва ақлий меҳнатлари натижасида яратилган барча жараёнларни тушунишни тақозо этади.

Маданият тушунчаси аниқ тарихий даврни (антик даврни), конкрет миллатга тегишли, ҳаётнинг специфик соҳаси (бадий маданият, маиший маданият, меҳнат маданияти) ва яна ҳам тор маънода одамларнинг маънавий ҳаёт соҳасини камраб олади.

Маданият тавсифи ва ривожини кўрсатиш учун “маданият” ва “цивилизация” тушунчаларини фарқлаш лозим. “Маданият” термини классик тушунчада “цивилизация” сўзига синоним сифатида қўлланилади (масалан, В.О.Ключевский, З.Фрейд, Н.Я.Данилевский ва б.); баъзи ҳолларда мазкур тушунчалар қатъий қарама-қарши қўйилади (масалан, Ш.Фурье, И.Кант, О.Шпенглер, А.Бердяев ва б.)⁸

⁴ Kramsch S. Language and Culture. – Oxford University Press, 1998. – P.14.

⁵ Брандес М.П., Провоторов В.И. Предпереводческий анализ текста. – М.: НВИ-ТЕЗАУРУС, 2001.- С.9.

⁶ Гришаева Л. И., Цурикова Л. В. Введение в теорию межкультурной коммуникации. – Воронежский государственный университет, 2004. – С.42.

⁷ Хоруженко К.М. Культурология: Энциклопедический словарь. – Ростов н/Д: Феникс, 1997. – С.60.

⁸ Бутенко Надежда Алексеевна. К ПРОБЛЕМЕ ИЗУЧЕНИЯ СУЩНОСТИ ЦИВИЛИЗАЦИИ Альманах современной науки и образования. Тамбов: Грамота, 2016. № 12. С. 25-27. и: www.gramota.net/materials/1/2016/12/6.html.

Ҳозирги даврда “цивилизация” термини умуминсоний характер касб этиб, жамият ривожининг барча босқичларида иштирок этмасдан маданий қадриятларнинг техноген жараёнлари билан боғлиқликда намоён бўлади. Цивилизация кўпгина гуманитар фанларда фаннинг тез суратларда ривожланиши, ишлаб чиқаришнинг ўсиши натижасида одамлар ҳаёт тарзининг ўзгариши, оммавий тарзда эҳтиёжларини қондириши учун қулайликка интилиши, яъни ташқи томондан камолотга эришиши тарзида талқин этилади.

Фалсафага оид энциклопедик луғатда ҳам маданият ва цивилизацияни бир-биридан ажратиб фарқлаш кераклиги айтилади, чунки “Маданият –халқ ёки индивиднинг эркини аниқлаш натижаси, цивилизация эса, техникавий ютуқлар ва улар билан боғлиқ қулайликлар”, демакдир⁹.

В.В.Ильин “Философия истории” китобида дунёда ягона цивилизация йўқ, бироқ яшаш даражасини сифат даражадан янги босқичга кўтарадиган жаҳон ривожининг умумий қонунияти мавжуд”, дея фикр билдиради¹⁰. Умуман олганда, яшаш даржасининг янги қирраларини олимлар етти омилга бирлаштирдилар: homo sapiens (ақлли одам), аграр, урбанистик, индустриал, маданий, интим муносабатлар, илмий-техник революциянинг намоён бўлиши кабилар. Бир гуруҳ файласуфлар фикрича, у ёки бу омилнинг таъсири инсониятнинг маълум бир даврига тегишли бўлиб, бундай ўзгаришларни эртами, кечми барча жамият ўз бошидан ўтказди, бироқ айни бир халқ бошидан кечирган жараёни барча халқлар тўлиқ қамраб ола олмайди, уларга фақат ўша маданият элементларигина этиб бориши мумкин. Албатта, маданият умуминсоний ҳодиса ҳисобланади, у фақат бир халққа тегишли бўлмайди. Ҳар бир этнос, халқ, миллат ўз миллий маданиятининг асосий қисмини ўзи яратган бўлса-да, унда жаҳон халқлари яратган умуминсоний маданиятнинг улуши ва таъсири бўлади. Шунинг учун ҳам маданият ҳеч қачон бир халқ ёки бир миллатга тегишли соф ижтимоий ҳодиса бўла олмайди. У умуминсониятга хизмат қилади. Масалан, фан, техника, санъат, адабиёт, тарихий-меъморий обидаларга тегишли ютуқлар барчага тегишлидир.

Универсаллик ва ўзига хослик масалалари маданий муносабатларда асосий ҳисобланади. Универсаллик ҳар қандай хусусий маданиятда мавжуд бўлади, масалан, онгнинг универсал тузилишга эга эканлиги, инсониятнинг психологик бирлиги, унинг хилма-хиллиги негизида хусусий белгиларининг намоён бўлиши умумий ер юзи маданиятининг бошланғич ўзаги саналади¹¹.

Биз маданиятда универсал ва ўзига хослик муносабатларини умумийлик ва хусусийлик ҳақидаги диалектик қонуният сифатида ўрганишимиз лозим. В. фон Гумбольдт “тилда энг фарқ қиладиган бирлик индивидуалликдир, унинг асосий

⁹ Философский энциклопедический словарь. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С.125.

¹⁰ Ильин В.В. Философия истории. – М.: Высшая школа, 2003. – С.265.

¹¹ Хайдеггер, М. Время и бытие. Статьи и выступления, СПб.– М., Республика, 1993. – С.18–19.

белгиси бошқа тилларда йўқлигидир”¹², деб таъкидласа, ғарб цивилизациясининг йирик файласуфларидан Э.Левинас “биз бегона маданият нигоҳида бошқа қиёфада мавжуд бўла олмаймиз”¹³, дея фикр билдиради.

Зеро, инсон табиат ижодкори сифатида маданиятнинг иккинчи қиррасини кашф қилди. Маданият умуминсоният ҳодисасидир (унда инсон инсон учун хизмат қилади), шунинг учун ҳам миллий маданият элементлари, хусусан, қардош маданият элементлари бир-бирига мос тушади. Табиийки, маданият инсониятга нима беради, деган савол туғилади. Бунга қуйидагича жавоб берилса, назаримизда, ўринли бўлади: маданият атроф-муҳитга ҳамда ўзга тилга нисбатан қизиқиш уйғотади; маданият инсон дунёқарашини кенгайтиради; маданият битмас-туганмас билим беради; маданият турли нуқтаи назарларнинг, қарашларнинг нисбий эканлигини тушуниб етишга ундайди; маданиятни ўрганиш маданиятлараро муносабатларнинг ривожланишига кенг йўл очади; маданият тил ўрганиш, фикрлаш, хулосалар қилиш, назариялар яратиш, инсон цивилизациясини ўрганишга, асосийси, ўзлигини англашига асос бўладики, бунда ҳар қандай маданий ва моддий бойликка хос тушунчалар тилда ва нутқда воқеланади.

Демак, маданият ўзаро мулоқотда намоён бўлади ва у инсон томонидан инсоният эҳтиёжларига хизмат қилиши учун яратилади. Мулоқот жараёнида шахслар бир-бирининг тилини ва маданиятини яхши тушунса, ўзаро ҳамфикр бўла оладилар. Агарда турли маданиятга мансуб шахслар орасидаги мулоқотда, маданий контекстни тушунишда фарқлар мавжуд бўлса, унда маданиятлар ўртасида зиддият келиб чиқади.

Инсоният тарихида маданиятлар ўртасидаги зиддиятлар тўғрисида бир-бирининг маданиятини яхши билмаслиги оқибатида тушунмовчиликлар келиб чиққанлиги тўғрисида кўплаб мисоллар мавжуд. Хориж адабиётини ўқиш бегона давлат маданияти билан танишишга, шубҳасиз, имкон беради. Масалан, ғарб ва шарқ ўртасидаги турли томонлама тафовутлар Европа фанида жамият ҳақидаги қарашлар замирида XVIII асрдаёқ шаклланган. Бу қарашлар, айниқса, Ш.Л.де.Монтескьенинг эпистоляр жанрда ёзилган “Форсча номалари”нинг ҳар бир мактубида аниқ ифодаланган. Дастлаб бу фарқлар шарқ давлатларида, айниқса, аёлларни тутқинликда ушланишидан, ҳаётнинг барча соҳалардаги анъанавийлигидан ғарбликларнинг ниҳоятда ҳайратдалиги ёзувчи позициясидан тасвирланади ва ўқувчини замонавий жамиятдаги баъзи иллатларнинг тарихий илдизини тушунишга ундайди.

Амин Маалуфнинг “Самарқанд ёхуд зулматда йўқолган зиёни излаб...” асари персонажи тилидан киши шарқ маданияти, урф-одатларини яхши билса-

¹² Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры / Отв. ред. А.В. Гулыга, Г.В. Рамишвили – М.: Прогресс, 1985. –С.96

¹³ Грачёв А., Ломейко В. Встреча цивилизаций: конфликт или диалог? – Париж: ЮНЕСКО, 1996. – С.82

да, ҳар бир ҳудудда ҳаётнинг турли шарт-шароитлари таъсирида юзага келган шундай ёзилмаган урфлари борки, уларга амал қилмасанг, ҳаттоки, ҳаётнинг хавф остида қолиши ҳақидаги фикрлар билдирилади. Масалан, Эронга Умар Хайём кўл ёзмаларини қидириб борган Бенжамин Умар Лессаж сиёсатчи Шайх Жамолиддиндан Эронга етиб боргунига қадар фамилиясидаги Умар номини ишлатмасликни маслаҳат беради, чунки бу исм XVI асрда форсийлар шиа мазҳабига эътиқод қила бошлаганларидан бери тақиқлаб қўйилганини айтиб огоҳлантиради.

Бу сингари қатор мисоллар бутун дунё тили ва маданияти ўз маданияти ва бошқа давлат тили ҳамда маданиятини билмайдиган бегона маданиятга бўлиб, ўрганишга асос бўлади¹⁴. Бироқ XXI асрда замонавий дунёнинг глобаллашув жараёнида маданиятларнинг ўзаро мулоқотидан чекиниб бўлмайди. Айнан маданиятлараро мулоқот кўпмаданиятли жамиятга конструктив (ғоявий мазмундан кўра асарнинг тузилишига абстракт формаларига кўпроқ эътибор қаратиш) жавоб бера олади. Охириги йилларда таржимонлар ҳам шу масалага алоҳида эътибор қаратмоқдалар. Таржимашунос олимлар томонидан таржима ҳодисасига маданий жиҳатдан ёндашишнинг муҳимлиги, таржиманинг маданиятлараро алоқаларнинг муҳим воситаси, турли маданиятлар мулоқотларида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни ҳал этиш манбаи эканлиги таъкидланади. Таржима туфайли бир маданият иккинчисига ўтади, уни янги элементлар билан бойитади ҳамда таржима қилинаётган маданият элементларининг универсаллик даражасини оширади. “Маданиятларнинг ўзаро таъсирида таржима китобхонга бошқа халқларда ҳам ўзгача урф-одатлар борлигини тушунишга, бошқаларнинг маданиятини ҳурмат қилишга, бегона маданиятга хос бўлган далилларни ва ғояларни ўрганиш натижасида ўз дунёқарашини кенгайтиришга имкон яратиши билан умумтаълимий ва тарбиявий аҳамиятга эга” бўлади¹⁵.

Ўзга маданият билан танишувда таржима муҳим қурол сифатида роль ўйнайди, “ҳамонки маданият нафақат тил чегараси, балки маданият чегараси билан ҳам кесишар экан, айти шу жараёнда матн бошқа тил системасига кўчиши баробарида бошқа маданиятга ҳам кўчади”¹⁶. Маданиятлари турлича бўлган халқларнинг ҳаёт тарзи, ақлий ривожланиш даражаси, менталитети ва тарихий ривожланиши миллий-маданий ўзига хослик билан боғланган. Инсоният тафаккурининг универсал характериға қарамасдан мавжуд умуммиллий маданий муҳит тил воситалари ёрдамида ўзига хос тарзда бошқа маданиятга ўзлаштирилади.

Таржима бир-биридан фарқ қиладиган икки маданий бирлашма вакиллари

¹⁴ Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2000. – С.20.

¹⁵ Комиссаров В.Н. Теория перевода: лингвистические аспекты, М.: Высшая школа, 1990. – С.130.

¹⁶ Швейцер А.Д. Теория и практика перевода. – М. Высшая школа 1998. – С.37с.

орасидаги коммуникатив фаолият сифатида маданий тўсиқ муаммоларини ҳал этади. Таржима жараёнида маданий факторларнинг таъсирини тан олган ҳолда уларнинг аҳамиятини ҳаддан зиёд ошириб юбормаслик лозим. Таржиманинг маданий-этнографик концепциясига кўра тиллар эмас, маданиятлар таржима қилинади. Таржима матнига бундай қатъий ёндашув тил ва маданиятнинг ўзаро таъсири специфик хусусиятни ҳисобга олмайди, мазкур ўзига хосликлар “олам манзараси”нинг хилма-хиллигида намоён бўлади. Р.Х.Ширинова таъкидлаганидек, маданият энг аввало, “бадий адабиётда ўз аксини топади ва маданий ахборотлар таржима туйғули ўзга юртга “экспорт” қилинади. Шунинг ҳам алоҳида таъкидлаш жоизки, ҳар бир халқнинг маданиятида бир-бирига ўхшаш ва, ўз навбатида, бир-биридан тамоман фарқ қиладиган жиҳатлар бўлиши мумкин. Масалан, шарқда гул гўзалнинг юзига, булбул эса ғазалхонларга нисбатан ишлатилса, ҳиндларда каккуга нисбатан кўлланилади¹⁷. Шарқ аёлларининг гўзаллиги хусусида Амин Маалуфнинг шарқ аёлларининг гўзаллигини “Самарқанд ёхуд зулматда йўқолган зиёни излаб...” асарининг 3-китобида қуйидагича келтиради: *Менга гўё гўзаллик ва севги мабудаси дуч келганидек, ҳаяжондан юзлари буриқсиб, кўлларим музлаб бораётганини сездим. Ё танграм, илк бор кўзим тушган шарқ аёли бунчалик гўзал ва латофатли бўлмаса! Шоирларни мафтун қилиб куйлатган, моҳитобон, сунбул соч, кўзларидан нур ёғилдиган, сарвқомат, табассуми шароб мисол кишини маст қиладиган шарқ гўзаллари шундай бўлармикан?*¹⁸

Маданиятнинг хусусиятлари тилда миллий-маданий бирликлар (реалиялар, метафоралар, ономастик бирликлар, фразеологизмлар) тил бирликлари маъносини ифодалайди ва маданий-тарихий воқеалар, анъаналар, урф-одатларни тавсифловчи объект вазифани бажаради. Шунинг учун ҳам бир тилдан иккинчи тилга таржима, бир маданиятни бошқа маданиятга ўгириш маъносида тушунилади. “Таржимани мукамал амалга ошириш учун лингвистик билимлар билан бирга экстралингвистик билимлар ҳам муҳим” саналади¹⁹. Албатта, буларнинг барчаси мураккаб, тил ва маданиятнинг кўпбосқичли жараёнлари таъсирида рўй беради.

Амалий таржима жараёнида таржимонлар учун асосий “маданий омиллар” таржима қилинаётган тил маданиятининг специфик хусусиятларини намоён этади. Мазкур белгилар таржимада, тушунмаслик, яхши англамаслик, янглиш тушуниш, таржима қилинаётган матннинг эмоционал ва эстетик туйғуларини тўлиқ етказиб бера олмаслик каби нотўлиқ мулоқот даражасини юзага

¹⁷ Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши: филол. фан. докт.. (DSc) автореф. – Тошкент, 2018. – Б.22

¹⁸ ¹⁸ Маалуф Амин. Самарқанд ёхуд зулматда йўқолган зиёни излаб...[Матн]: роман/Таржимон А.Кўчибоев. Тошкент: O'zbekiston, 2018.–Б.261.

¹⁹ Саломов. Ғ.А. Таржима ташвишлари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Тошкент, 1983. – Б.149-150.

келтиради.

Таржима терминларида бу ўзига хосликлар “таржима қилинмайдиган” матн деб юритилади. Баъзи бир маданиятшуносларнинг фикрича, таржима қилинмайдиган таржима барча парадоксал (мантиққа зид) хусусиятлари билан маданий ахборотларни ташишига кўра юқори баҳоланади. Бу ахборотлар бевосита, яъни бегона маданият билан тўғридан-тўғри танишиш йўли билан эмас, балки билвосита тил ва матн орқали етказилади.

Ўқувчи матндаги маданий маълумотни қабул қилишда прагматик муносабатга киришади “...унинг прагматик муносабатларга киришиши таржимоннинг таржима матнини яратиш жараёнида тил воситаларидан қай даражада фойдаланганлигига боғлиқ” бўлади²⁰. Бадиий матн таҳлил қилинадиган бўлса, бу муаммо яна ҳам мураккаблашади, сабаби маданийлик белгисига матннинг ўзига хослиги асос бўлади. Бадиий матн маданий нуқтаи назардан, ўзига хосликка эга, чунки реал воқеаларга алоҳида ёндашган ҳолда муаллиф томонидан яратилади, бутун матнда муаллиф танлаган реал воқелик асосий белги ҳисобланади. Шу белгилар матнлар оламини муайян маданиятга олиб киради. Унда ишора сифатида маданиятнинг аниқ белгилари изоҳларидан ёки муайян маданиятнинг моделига ассоциация қилинган хатти-ҳаракат, специфик белгиларнинг имплицит кўрсатмасидан фойдаланиши мумкин.

Агарда таржима қилинаётган матнлар дунёси номаълум китобхонга тегишли бўлса, унда маданиятлар ўртасида маданий масофа ўрнатилади. Китобхон матндаги ахборотни қабул қилса-да, менталитетида шаклланган дунёқарашидан келиб чиқиб, асардаги баъзи маданий элементни қабул қила олмайди. Бундай ҳолатда китобхоннинг реал дунёси билан матн муҳити ўртасида қиёслаш юзага келади, масалан, “матнда тасвирланган ҳолат менинг дунёқаришимга ўхшар экан (ёки аксинча, менинг дунёқаришимдан фарқ қилар экан)”. Ҳаттоки, реал ҳаёт матннинг маънавий дунёсидан фарқ қилишини китобхон оддий ҳодисадек қабул қилиши мумкин, чунки улар барча инсонлар, ҳар бир халқ ўзининг яшаш тарзи, ўз маданиятига эга эканлигини англайдилар, матнлардаги ўзига хосликлар эса маданий маркерларни намоён этади.

Биз маданий маркернинг таржима муаммолари ҳақида гапирганимизда, кўпроқ лингвомаданий бирлашмага хос турли ҳодиса ёки воқеаларни ифодаловчи экстралингвистик тушунчаларни назарда тутамиз. Агарда гап таржима хусусида кетаётган бўлса, на аслият муаллифи ва на унинг таржимасини мутолаа қилаётган ўқувчи таржимада маданият маркерлар нечоғли акс эттирилганини аниқлаб бера олмайди, чунки улар иккаласи ҳам лингвомаданий тўсиқнинг турли томонидаги шахслардир.

²⁰ Комиссаров В.Н. Теория перевода: лингвистические аспекты. –М.: Высшая школа, 1990. – С.209-210.

Бу вазифани фақат таржимон амалга ошириши мумкин, у иккала маданиятга нисбатан эксперт ролини бажариб, бир томондан авторнинг маданий маркерларини сақлаб қолиши, бошқа томондан ўқувчига маданий маркерларни соддалаштириб идентификациялаштириши (айнан ўхшатиши) лозим бўлади. Шунинг учун ҳам лингвомаданий трансляция таржимада адаптация (соддалаштириш)нинг турли жараёнлари амалга оширилади ҳамда таржимон олдида бадиий асар таржимасида матн мазмунини сақлашда маданий элементларни қандай сақлаб қолиш керак, матнда бошланғич маданият конвенциясини сақлаб қолиш керакми ёки уни таржима матнига тегишли маданият конвенцияси билан алмаштириш керакми, деган савол қўйилади.

Хулоса шуки, маданий элементларнинг маданиятшунослик ва таржимашунослик нуқтаи назардан маданий зиддиятлар оппозициясида универсаллик ҳамда хусусийлик жиҳатидан ўрганилиши таржиманинг лингвомаданий аспектига таъкид этишда муҳим аҳамият касб этади. Демак, асл матндаги маданий ахборотни етказишда таржимон асл матнда ифодаланган маданий ахборотнинг қандай қийматга эга эканлигини олдиндан билиши муҳим. Бугунги кунда турли соҳалар бўйича чет тилларида яратилган асарларнинг ўзбек тилига бевосита ўгирила бошлангани, шубҳасиз, адабий-маданий алоқаларининг кенгайишида катта роль ўйнайди.

Таржимоннинг чет эл маданияти билан яқиндан танишиши матн мазмунини тўлиқ ва чуқур тушуниш имкониятини беради, бусиз адекват таржимани амалга ошириб бўлмайди. Л.С.Бархударовнинг “Таржимон нимани билиши керак?” номли мақоласида таъкидлаганидек, “мазкур матнда тилдан ташқари матн мазмунидаги реал экстралингвистик омиллар ҳақида билимга эга бўлиши лозим”²¹. Бошқача айтганда, турли контекстларда матндан қандай мазмун англашилаётганлигини, яъни асл матнни адекват тушуниш учун адекват таржима қилиш лозим. Шунинг учун ҳам “тушуниш” таржиманинг ажралмас таркибий қисмидир. Мазмунни адекват тушуниш эса матнни бошқа тил бирликлари орқали адекват беришдан мураккаброқ.

Замонавий жамият асрлар давомидаги эволюцияси натижасида ўзида шахснинг маданий асосларини қайта ишлаб чиқди. Шунинг учун ҳам биз жамиятнинг ҳозирги динамикасига, янги тенденцияларга, ривожланиш даражасига қандай таъриф беришимиздан қатъи назар, унинг кўп қиррали хусусиятларини тўлиқ қамраб ола олмаймиз. Назаримизда вақтинчалик, тез ўтиб кетадиган тасодифий ҳолатларга боғлиқ бўлмаган сифат ўзгаришлари барқарор тенденциялар, мураккаб ўзгаришлар, одамларнинг ҳаёт тарзида содир бўладиган ўзгаришларни намоён этади.

²¹ Бархударов Л.С. Бархударов Л.С. (ред.) Тетради переводчика. Выпуск 15. М.:Международные отношения, 1978. – С.15.

Таржима турли тилда гаплашувчи инсонлар фикрини ифодалаши туфайли маданий алоқаларни йўлга қўйишда муҳим ёрдамчи манба саналади ва унинг имкониятлари бадиий матнлар таржимасининг экспрессив ва ўзига хос функцияларида акс этади.

Бугунги кунга келиб таржимонлик санъати, хусусан, бадиий асарларни таржима қилишда хорижда ва юртимизда юксак натижаларга эришилди. Албатта, буларнинг барчаси таржима назариясининг ривожланишида ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди. Инсониятнинг бебаҳо адабий мероси билан танишиш учун янги китобхонларни жалб этиш мақсадида “...таржимонларни, ҳаттоки, тажрибасиз таржимонни ҳам қуроллантира оладиган аниқ тамойилларга асосланган бадиий таржима назарияси зарур эди”²².

Илмий матнлар таржимасидан фаркли ўлароқ бадиий матн таржимасини санъат билан қиёслаш мумкин. Бадиий матнлар таржимасининг мураккаблигини олам манзарасининг турли тиллар ва маданиятларда ўзига хос тарзда ифодаланиши билан тушунтириш мумкин, бу аслият ва таржима тилига тегишли бўлиб, сўзма-сўз таржима кўп ҳолларда бадиий асарни чуқур ўзгартира олмайди.

Ҳар қандай таржимон ҳам бадиий матннинг аслиятини олдиндан ҳар томонлама ўрганиб, ундаги умумий сюжет ҳақида тасаввур ҳосил қилгандан сўнггина аслиятига мос ва ўзига хос бадиий таржима матнини ярата олади. Адабий таржимани хатосиз амалга ошириш учун таржимон ўша асар ёзилган тилдаги сўз ўйинларини, ижодкорнинг қочириқларини ёки ниманидир аниқ айтмай унга ишорасини тўғри англай олиши, бадиий образларни очиб бериши лозим. Бундан келиб чиқадики, бадиий асарлар таржимони нафақат икки тилнинг билимдони, балки ёзувчи ҳам бўлиши мақсадга мувофиқ. Сабаби бадиий асарнинг таржимаси ҳам бадиий чиқиши муҳим, шунинг учун ҳам таржимон ўз она тилида қалами ўткир, моҳир сўз устаси ҳам бўлиши керак. Билъакс, кўпинча шоир ва ёзувчилар аслият тилини мукамал билмасалар-да, энг яхши таржимонлар бўлиши мумкинлиги бежизга эмас.

Қадимги шарқ ва ғарб фалсафаси биз яшаётган дунё маданиятининг ўзаги ҳисобланади, ғарб ва шарқ маънавий цивилизациясининг қиёфасини белгилайди. Тадқиқотимиз объекти бўлган Монтескьенинг “Форс номалари” ва Амин Маалуфнинг “Самарқанд ёхуд зулматда йўққолган зиёни излаб...” асарлари ҳам фалсафий асарлар ҳисобланади. Ушбу асарларда ғарб ва шарқ фалсафаси ўзаро уйғунлашган ҳолда мавжуд давлат тузилиши, унинг ички ва ташқи сиёсати, дин масалаларига муносабати ўз ифодасини топган. Асарларда кўтарилган ижтимоий-маданий масалаларга ғарб ва шарқ фалсафий-маданий диалоги асосида ёндашилганлиги макон ва замон категориясида узвийликни кўрсатади.

²² Саломов. Ғ.А. Таржима ташвишлари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. – Тошкент: 1983. – Б.149-150.

Шу нуктаи назардан тадқиқотимизда ёзувчи позициясида кўтарилган “дунё ва инсон” фалсафий қарашларини тушуниш учун ёзувчи дунёқараши ҳамда биографиясига назар ташлашни муҳим, деб ҳисобладик.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Бархударов Л.С. Бархударов Л.С. (ред.) Тетради переводчика. Выпуск 15. М.:Международные отношения, 1978. – С.15.
2. Брандес М.П., Провоторов В.И. Предпереводческий анализ текста. – М.: НВИ-ТЕЗАУРУС, 2001. – С.9.
3. Бутенко Надежда Алексеевна. К проблеме изучения сущности цивилизации Альманах современной науки и образования. Тамбов: Грамота, 2016. № 12. С. 25-27. и: www.gramota.net/materials/1/2016/12/6.html.
4. Гришаева Л. И., Цурикова Л. В. Введение в теорию межкультурной коммуникации. – Воронежский государственный университет, 2004. – С.42.
5. Гумбольдт В. фон. Язык и философия культуры / Отв. ред. А.В. Гулыга, Г.В. Рамишвили – М.: Прогресс, 1985. –С.96
6. Грачёв А., Ломейко В. Встреча цивилизаций: конфликт или диалог? – Париж: ЮНЕСКО, 1996. – С.82
7. Ильин В.В. Философия истории. – М.: Высшая школа, 2003. – С.265.
8. Комиссаров В.Н. Теория перевода: лингвистические аспекты, М.: Высшая школа, 1990. – С.130.
9. Маалуф Амин. Самарқанд ёхуд Зулматда йўқолган зиёни излаб...[Матн]: роман/Таржимон А.Кўчибоев. Тошкент: O‘zbekiston, 2018.–Б.261.
10. Монтескье. Форс номалари. –Тошкент: Қатортол-Камолот, 1999. – 304. б.
11. Саломов. Ғ.А. Таржима ташвишлари. Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. –Тошкент, 1983. – Б.149-150.
12. Тайлор Э.Б. Первобытная культура - Москва: Издательства политической культуры, 1989. – С.50.
13. Тер-Минасова С.Г. Язык и межкультурная коммуникация. – М.: Слово, 2000. – С.20.
14. Философский энциклопедический словарь. – М.: ИНФРА-М, 2002. – С.125.
15. Хайруллин В.И. Лингвокультурологические и когнитивные аспекты перевода: Автореф. дисс. ... д-ра филол. наук. – М., 1998. – С.12 – 13.
16. Хоруженко К.М. Культурология: Энциклопедический словарь. – Ростов н/Д: Феникс, 1997. – С.60.
17. Хайдеггер, М. Время и бытие. Статьи и выступления, СПб.– М., Республика, 1993. – С.18–19.
18. Швейцер А.Д. Теория и практика перевода. – М. Высшая школа 1998. – С.37с.
19. Ширинова Р.Х. Олам миллий манзарасининг бадий таржимада қайта яратилиши: филол. фан. докт.. (DSc) автореф. – Тошкент, 2018. – Б.22
20. Kroeber A.L., Cluckhohn C. Culture, a critical review of concepts and definition // Papers of the Peabody Museum of American Archaeology and Ethnology. – Harvard University, 1952. – Vol. 47 (I). P.15.
21. Kramsch C. Language and Culture. – Oxford University Press, 1998. – P.14.